

12-11

қисқа рақамли («Ишонч телефони»), яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!



2021 йил  
7 август шанба  
№ 99 (4539)


Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



## Кун нафаси

Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёев** 6 август куни Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов** билан учрашув ўтказди.

Президент **Шавкат Мирзиёев** 6 август куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** билан музокара ўтказди.



«Ўзбекистонда йилқичлик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Туркманбози шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси **Т.Норбоева** иштирок этди.



6 август куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви доирасида Туркменистоннинг «Аваза» миллий туристик зонасида **Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий форуми** бўлиб ўтди.



Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги «Харб майдон» полигонинда Тожикистон, Ўзбекистон ва Россия ҳарбийлари иштирокчида қўшма машғулотлар бошланди.

«Термиз» умумқўшин дала-ўқув майдонида 6 август куни Ўзбекистон ва Россия Куроли Кучлари ҳамкорлигидаги «Жануб – 2021» қўшма ўқувнинг асосий машғулоти бўлиб ўтди.



Қашқадарё вилояти ҳокимининг топшириғи асосида вакцинация жараёнида аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ва мазкур тадбирни кенг кўламда ташкил этиш мақсадида Қарши шаҳрида 3 та ва Ҳузур туманида 1 та «COVID-19»га қарши махсус эмлаш маркази фаолият бошлади.



Туркиянинг Истанбул шаҳрида «IMOB» 17-халқаро мебелсозлик кўргазмасида Ўзбекистон мебел корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам намойиш этилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## БАРАКАЛЛА, БЕКЗОД!



Маҳоратли эркин курашчимиз **Бекзод Абдурахмонов** (-74 кг) «Токио-2020» Олимпия ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Шу тариқа делегациямиз ҳисобидаги медаллар 2 тадан олтин ва бронзани ташкил этиб турибди. Қайд этиш жоиз, икки карра ЖЧ совриндори, икки карра Осиё ўйинлари чемпиони **Бекзод Абдурахмонов** бу гал ҳам миллионлаб мухлисларимизга катта қувонч улашди ва ўз совринлари орасига Олимпиада медалини ҳам қўшиб қўйди.



Шавкат МИРЗИЁЕВ

6 август куни Туркменистондаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** иштирок этиб, нутқ сўзлади.



Тошкент шаҳри

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабалар уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси тизимидаги бошланғич касабалар уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди. Унда қирқдан ортиқ корхона ва ташкилот қатнашди.



## Саъй-ҳаракатлар ижобати

Аъзолари сони юз нафаргача бўлган ташкилотлар орасида Янгиҳаёт тумани Ободнашатириш бошқармаси касабалар уюшма қўмитаси биринчи ўринни эгаллади. «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» МЧЖ ҳамда Банк мо-

лия академияси касабалар уюшма қўмитаси эса иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилди. Юз нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштирган ташкилотлар орасида кечган баҳсда «Уриқзор бозори» касабалар уюшма қўмитаси ғолиб деб то-

пилди. «Тошкент иссиқлик маркази» ДУК ва «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ касабалар уюшма қўмитасига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

## Ҳисораққа ҳали XXI аср келмаган(ми?)

Қишлоқ аҳли мавжуд муаммолар ҳақида туман ҳокимлигига, вилоят ташкилотлари ва ҳатто Президент виртуал қабулхонасига ҳам мурожаат қилишди.

– Ушбу муаммо ҳақида туман ва вилоят «Сувоқова» ташкилотига мурожаат қилганимизда, ушбу ташкилотлар 2013 йилдан 2015 йилга, кейин 2017, 2019, 2020 йилги режаларга киритилганини билдиришди, – дейди «Ҳисорақ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзиқул Раҳимов. – Аммо ваъдаларнинг ҳеч бири бажарилгани йўқ. Қайта-қайта мурожаат қилаверганимиздан сўнг 2021 йил август ойидан ичимлик суви қувури ўтказиш учун маблағ ажратилганини маълум қилишди. Умид қилиб турибмиз... Биздан юқоридagi қишлоқлар аҳолиси Ҳисорақдарё сувини тўсиб олишгани тузғунлиги қишлоғимиз аҳли экинларни суғора олмайд қўлинапти. Ҳар йили ички йўлларимизни аҳолидан пул йиғиб тузатамиз,

яна сел келади, яна бузилади. Хуллас, аҳоли ички йўлларнинг дам-бадам бузилишидан безиб қолган. Бизнес қишлоқ ҳам «Обод қишлоқ» дастурига киритилармикан-а? Қишлоқдаги 160 КВ қувватли эски трансформатор ток етказиб беролмаяпти. Симёғочлар қўйилганига ҳам 50 йил бўлган. Ҳаммаси чириб, ёрилиб кетган. Айниқса, ҳудуддаги 59-мактаб ҳовлисидаги симёғочларга қараб бўлмайди. Ахир, мактабда 324 нафар бола ўқийди-я! Янги трансформатор ўрнатиш, симёғочларни янгилаш бўйича Шахрисабз тумани электр таъминоти корхонасига бир неча бор мурожаат қилинган. Улар ҳам фақат ваъда беришдан нариға ўтишмаган. Қишлоқдаги мактабда ҳам муаммолар бисёр. Спорт зали, фаоллар зали йўқ. Истиқом тизими талабга жавоб бермайди. Ҳисорақда қиш 4-5 ой давом этади. Бир тонна кўмир техника харажатидан ташқари 500-



Қишлоқдаги 160 КВ қувватли эски трансформатор ток етказиб беролмаяпти. Симёғочлар қўйилганига ҳам 50 йил бўлган. Ҳаммаси чириб, ёрилиб кетган. Айниқса, ҳудуддаги 59-мактаб ҳовлисидаги симёғочларга қараб бўлмайди. Ахир, мактабда 324 нафар бола ўқийди-я!

600 минг сўмга сотиб олиншини айтмайсизми?! Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида етмишдан ошқ йигит-қиздан ариза олинган. Уларга ҳуж-

### «Ishonch» кўзгуси

жатда икки гектар, аслида эса 50 сотихдан ер ажратиб берилган. Ерларни тарқатиш ва ҳужжатлаштириш ишлари охирига етмас-да, ёшлардан солиқ ундириб олинмоқда. Кўрган, билган ва эшитганлар асосида шундай хулосага келдикки, Ҳисорақ – юртимиздаги энг қолоқ қишлоқлардан бири... Аслида эса умуман бошқача кўриниш ҳосил қилиши мумкин. Яъни бу қишлоқ экотуризмни ривожлантиришга жуда қулай. Муқанна ғори, Муқанна кўрғони шу ерда. Худудда 70 метр баландликдан ташадиган «Сувтушар» шаршараси, Тамшушдарё экотуризм йўналиши, баҳорги ва кузги ландшафт манзараларининг мавжудлиги сабаб сайёҳларни жалб этиш имкони бор. Давлатимиз раҳбари халқни рози қилишга эришиш ҳақида жон куйдираётган бир пайтда, худуддаги бу аҳолини қўриб, «мутасаддилар ҳеч Ҳисорақ билан қизиқиб кўрганмикан?» деган савол юзага келади. Балки саволимиз очиқ қолмас...

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Тошкент вилояти | Очиқ мулоқот

## Тарғибот тадбирлари давом этмоқда

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, кенг жамоатчиликка қилган Мурожаатнинг мазмун-моҳияти очиқ мулоқот шаклида ўтказилган тадбир орқали касабалар уюшма фаоллари ва ёшларга етказилди. Очиқ мулоқотда Ўзбекистон касабалар уюшмалари Феде-

рациясининг Тошкент вилояти кенгаши масъул ходимлари, республика тармоқ кенгаши раҳбари вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, бошланғич касабалар уюшма қўмитаси раислари иштирок этдилар. Айни кезларда ушбу Мурожаатнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган учрашувлар вилоятдаги турли корхона ва ташкилотлар бошланғич касабалар уюшмаларида ҳам давом этмоқда. **Шахноза ОДИЛХОНОВА**, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши «Ташкилий ишлар» бўлими мудир



## Вазифалар белгилаб олинди

Таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси Ботир Зиркиллаев Президентимиз томонидан билдирилган энг долзарб тақлифлари яна бир карра эслатиб ўтди. Шундан сўнг раис ўринбосари Нодир Мелиқўзиев Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Йиғилишда сўзга чиққанлар кўтарилган долзарб муаммолар бўйича ўз фикрларини билдиришди. Мурожаатномани бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган маънавият соатларида аъзоларга етказиш вазифаси белгилаб олинди.

**Алижон МАМАРАСУЛОВ**, Таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Шахрисабз туманидаги Ҳисорақ қишлоғи аҳли ҳали-ҳануз тоза ичимлик сувига муҳтож. Бу ерда ўтган асрлардан қолган манзара ўзгармаган. Одамлар ҳалиям дарёдан эҳкамда суе ташиб ичишади.



Фарғона  
вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

# ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Фурқат тумани Қўқонбой қишлоғида истиқомат қилувчи Гулчеҳра Насриддиновани қўл-оёғи бутун, тўрт мүчаси соғ эканига қарамай, «бизга ҳеч ким ёрдам бермаяпти» деб нолиб, идорама-идора эшик қоқиб юрган айрим инсонларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Гап шундаки, унинг ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам иккинчи гуруҳ ногирони. Шунга қарамай, эр-хотин ҳеч кимдан ёрдам кутиб ўтирмайди. Турмуш ўртоғи томорқада деҳқончилик, Гулчеҳра опа эса тикувчилик қилиб, рўзгорнинг кам-кўстини тўлдириб пайида.

– Бундан беш ой илгари мутасаддилар мени «Аёллар дафтари»га рўйхатга олганди, – дейди Гулчеҳра Насриддинова. – «Биздан нима ёрдам», деб сўраган масъулларга тadbirkorлик қилиш истагим борлигини айтдим. Уларнинг кўмаги билан мономарказда икки ой ўқиб, махсус сертификатга эга бўлдим. Банк томонидан имтиёзли равишда ажратилган 27 миллион сўм маблағ эвазига сотиб олинган олти дона тикув машинаси кунимизга ярапти.

Г.Насриддинова дастлаб ўз маҳалласидаги ишсиз аёлларни шогирдликка олиб, тикувчилик сирларини ўргата бошлади ва кейинчалик уларнинг бандлигини таъминлашга киришди. Айни пайтда хонадонидан беш нафар тикувчи аёллар либосини тикмоқда.

«Ғунча» МФИда яшовчи Латифахон Эргашева ҳам ишсизлиги боис «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Ишчи гуруҳнинг амалий кўмаги билан касбга ўқитилди. Иштиёқи баланд Латифа опа тезда бичиш-тиқишни ўрганиб олди ва маҳалласидаги «Sohay hay AAA» корхонасига ишга жойлашди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Фурқат

Тошкент  
вилояти

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ зиёлиларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Икки кунлик тadbirkor иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишни кўпдан бери орзу қилардим, – дейди Ғазалкент шаҳридаги 2-мактаб

## ВАТАН БАҒРИДАГИ МУЎЖИЗА

ўқитувчиси Шерзод Расулов. – Касаба уюшмалари ташаббуси билан орзуим ушалди.

– Ойнаи жаҳонда Регистон майдонини кўп кўргандик, – дейди Сижжак қишлоғидаги 43-мактаб касаба уюшмаси

бошлангич ташкилоти раиси Каримжон Охунжонов. – Лекин Регистоннинг оқшомдаги манзарасини бевосита кўриш кишида бошқача таассурот уйғотар экан. Саёҳат ва зиёрат давомида Ватан бағридаги

муъжизалардан кўплаб ҳикमतлар изладик ва топдик.

### Таассурот

Ортиқали АКРАМОВ,  
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши раиси

Самарқанд  
вилояти

# МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ НОЎБ НАМУНАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик комплексини тўлиқ реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мажмуадаги бунёдкорлик ишлари «Enter Engineering» компаниялари гуруҳи томонидан бажарилмоқда.

– Қурилиш ишларининг айни кундаги босқичида 442 нафар мутахассис-ишчи банд бўлиб, улардан 65 нафари хорижийлик ҳисобланади, – дейди «Enter Engineering»нинг Газ-кимёвий лойиҳалари дирекцияси директори ўринбосари, айни пайтда Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасидаги қурилиш жараёнлари бошқарувчиси Арслон Содиқов. – Айни вақтда 53 та махсус техника бирлиги, 3 та минорали кран узлуксиз ишламоқда. Қурилиш ишлари билан параллель равишда лойиҳалаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси нафақат компаниямиз, балки бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга лойиҳаҳидир. Ишончим комилки, бар-

## НОЎБ НАМУНАСИ

чамизни шундай хайрли ишга дахлдорлик ҳисси қувонтирляпти.

Мажмуада Президентимиз томонидан тасдиқланган лойиҳа бўйича тўрт бурчда тўртта пурвиқор минораси бор муаззам кўринишдаги масжид биноси бунёд этилади, унда бир пайтнинг ўзида 9020 нафар намозхон ибодат қилиши мумкин. Катта масжид биносидан ташқари маъмурият, хизмат кўрсатиш корпуси, аёллар ва эркеклар учун алоҳида таҳоратхона, миноралар ва айвонлар барпо этилади. Зиёратчилар ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиб, бемалол ибодат қилишлари мумкин бўлади. Мажмуада жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг ҳаракатланиши учун барча шароитлар – замонавий лифтлар, махсус пандуслар ва бошқа кулайликлар яратилиши назарда тутилган. Қурилиш ва ободонлаштириш бўйича ишлар давомида обида атрофида жойлашган шифобахш булоқ ҳамда қарийб беш аср олдин экилган чинорларга зиён етказмаслик чоралари ҳам кўрилар. Рекон-

струкция ва ободонлаштириш ишлари 4,68 га. майдонда, қурилиш ишлари 2,02 га. майдонда бажарилмоқда. Бундан ташқари, 0,35 га. майдонда ерости галереяси бунёд этилади, 0,83 га. майдон ички ҳовли сифатида ободонлаштирилади. Шунингдек, бинолар атрофи ва катта майдон сифатида тегишлича 1,72 ва 0,44 га. жой кўкаламзорлаштирилади.

...Айни кунларда ёдгорлик мажмуаси катта қурилиш майдонига айланган... Куёш эса аёвсиз қиздирмоқда... Шундай бўлса-да, қурувчилар қурилиш майдони ўртасида кичик озсиз яратиб қўйишди: қора ва кўк райхонлар ифор таратиб, чиройли гуллар киши баҳри дилини очди. Павильонда нишбани салқин, шабада эсиб турибди... Овоз кучайтиригич орқали янграб турган Ғурьон тилovati эса кўнглиларни ўзига шукуҳга тўлдирмоқда.

Мавлуда АЗИМОВА,  
«Enter Engineering» PR хизмати  
бош мутахассиси

### Бунёдкорлик

## БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҒФА

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг ҳаётдан, давлатдан рози бўлиб яшашини таъминлаш бўлган куннинг энг долзарб масаласи ўлароқ кун тартибига чиқди. Бу йўлда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам салмоқли ишларни амалга ошираётир. Айни пайтда «Ўттиз йилликка ўттизта иш ўрни» шиори доирасидаги ишлар қизғин кечмоқда.

Хусусан, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш тизимидаги корхоналарнинг касаба уюшма кўмиталари касб-хунаж коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга жиддий бел боғлаган.

Федерация ижроия кўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 2-27-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Ўзбекистон почтаси» АЖ билан ўзаро ҳамкорлик қилишувни имзолади. Натijaда ўтган давр мобайнида энг чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига кулай қуръерлик хизмати ташкил этилиб, 31 та иш ўрни яратилди. Ушбу мақсадларга жамият ҳисобидан 99,3 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Ишга қабул қилинган ходимларнинг 11 нафарини аёл, 12 нафарини 30 ёшга бугун бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Кулай шароит яратиш, почта хизматларини юқори савияда кўрсатиш мақсадида иш берувчилар томонидан ходимлар техника воситалари (компьютер, терминал, скутер ҳамда велосипед) билан таъминланди. Бундан ташқари, хар бир ишчи дастлабки тиббий кўрик ва меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказилиб, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқат билан таъминлаб келинмоқда.

Ғулмжон  
МИРАҲМЕДОВ,  
«ISHONCH»



РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ 4,68 ГА. МАЙДОНДА, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ 2,02 ГА. МАЙДОНДА БАЖАРИЛМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ, 0,35 ГА. МАЙДОНДА ЕРСТИ ГАЛЕРЕЯСИ БУНЁД ЭТИЛАДИ, 0,83 ГА. МАЙДОН ИЧКИ ҲОВЛИ СИФАТИДА ОБОДОНЛАШТИРИЛАДИ.

Наманган  
вилояти

Танлов

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашида «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши маҳалла раиси», «Касаба уюшмалари лауреати», «Энг яхши сектор раҳбари» номинациялари бўйича вилоят босқичи ғолиблари сараланди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Унда Тўрақўрғон туманида фаолият юритувчи «DILRABO-SDA» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Масъуда Содидова «Энг намунали аёл иш берувчи», Учқўрғон тумани «Маданият» МФЙ раиси Муқаддас Рўзиматова эса «Энг яхши маҳалла раиси» номинациялари ғолиби бўлишди.

Кўплаб хотин-қизларни ишла қилган тadbirkor аёллар ўртасида ташкил этилган «Касаба уюшмалари лауреати» номинациясининг вилоят босқичида ғолибликка چۇстлик аёл тартибдаги тadbirkor Ҳафиза Маҳаммадова муносиб деб топилди.

«Энг яхши сектор раҳбари» номинациясида Мингбулоқ тумани ҳоқими, 1-сектор раҳбари Нуриддин Худойбердиев номзоди маъқул кўрилиб, республика босқичида иштирок этиши учун ҳужжатлари тақдим этилди.

Орузғул РУСТАМОВА,  
«ISHONCH»

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«ISHONCH»





Сурдарё вилояти

**Муҳаммад Мелиқўзи-евни Боёвут туманида кўпчилик яхши танийди. Салкам ярим аср давомида мактабда дарс берган. Кекса педагог шу ёшида туман идораларига мурожаат хати ёзавериб, улардан жавоб хати олаверириб чарчади. Аслида, уни ташвишга солаётган муаммо кўпчиликнинг дарди...**

**УНУТИЛГАН КЎЧА ҲАСРАТИ**

Бугунги кунда Муҳаммад Мелиқўзиев яшаётган ҳудуд – Боёвут тумани, Боёвут шаҳарчаси, «Наврўз» МФЙ, Боғистон кўчасига уйлар тушганига нақ 20 йилдан зиёд вақт ўтган. Ушбу кўчада 55 та хонадон бор. Бироқ бугунгача кўча йўллари шу ерда яшовчи фуқароларнинг ҳашар йўли билан ёки маҳалла раисининг илтимоси билан ҳар ким ўз хонадони рўпарасига тошшағал тўкиш билан йўл ҳолига келтирилиб қўйилган. Туман бюджети маблағлари эвазига ҳали-ҳануз йўл қуришнинг келинмоқда. «Ўзинг учун ўл етим» деган гап айтиш шундан кўйи ахлига қарата айтилгандек тўғи.

– 2017 йили Халқ қабулхонасига мактуб билан мурожаат қилдим, – дейди шу кўчада яшовчи Урозали Шодиев. – Ушунда вилоят йўл бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман йўл қурилишидан раҳбарлар келиб, кўчамизни ўрганишди. 1 километр 209 метр масофада йўл қурилишини маълум қилиб, далолатнома тузишди. Кўп ўтмай, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси кўчага йўл ўтказиш масаласи 2017-2021 йиллар давлат дастурига киритилгани ҳақида жавоб хати ҳам берди. Хат қўлимда турибди, лекин ваъда бажарилмай қолди. Йўлга асфальт қоплама ётқириш ма-

# БОҒИСТОННИНГ «ҲАЛ БЎЛМАС» МУАММОЛАРИ

Оғриқ тишлар



кувурлар орқали ҳақиқий табиий газ линиялари тортиб берилган...

Газ «булоғи»га бориб кўрамай. Кўчаларга тортилган қувурлар турли ўлчамда. Эйтиборимиздаги кўчага кетган қувур чиндан ҳам ингичка, бунинг устига, шундоққина хонадон деворлари ости, ер узра тортиб кетилган. Бу хавфли эмасми? Мурожаатни «ёпиш», далолатнома тузиш учун келган мутасадди чинакам масъулият ҳис этганида, газ «томирлари»га тартиб берган бўлармиди, деб ўйлаб қолдик.

саласида қилган такрорий мурожаатимга яқинда туман ҳокимлигидан жавоб хати келди. Унда маҳалла ҳудудидаги Озодлик ва Камалак кўчалари ички хўжалик йўллари таъмирлаш манзилли дастурига киритилгани, бизнинг кўча киритилмагани учун таъмирлашнинг имкони йўқлигини маълум қилишган.

Шундай қилиб, фуқаролар қўлида бир-бирига зид бўлган икки жавоб хати бор, холос. Дастурга киритилгани айтилган кўчалар Боғистон кўчасининг кейинги қаторларида жойлашган. Тўғри, асфальт кўрмаган йўллари бор. Бироқ, аҳолининг айтишича, кўчанинг ёши нисбатан кичик, бунинг устига, бугунгача тош-шағални масъуллар тўшаб берган. Дастурга биринчи бўлиб кўп йиллик, аҳолининг ўзи томонидан тош ётқирилган кўчани киритиш адолатдан бўларди, назаримизда.

– Туман марказида яшаса, қишлоқда бор бўлган йўлга зориқсак, – дейди Холида Бердимуродова. – Қараб турганимиз йўқ, тош ётқириб келяпмиз. Шу ерга уй қуриб келганимизда ёшгина эдим, аммо ёшлигимиз шу чангларда ўтиб кетди. Фарзандларим тупроқ кечиб улғайишди. Бу ёғига обод кўчада яшайлик, деймиз-да...

Минг афсусли, Боғистон кўчасининг умумий кўриниши ва бугунги ҳолати яхши эмас. Аввало, у аҳоли томонидан жуда торайтириб юборилган. Кимдир кўча ху-

дуди учун белгиланган жойга молхона қуриб юборган, кимдир тол-терак экиб қўйган. Оқибатда, архитектура тили билан айтганимизда, «ландшафт» бузилган. Хўш, бу бошбошдоқлик ва бебошликни туманда ким назорат қилади? Бу саволга ҳеч кимнинг жавоб бергиси йўқ.

**ЁРУҒЛИК ИСТАБ...**

Ҳудуд аҳлини ташвишга солаётган яна бир муаммо – электр энергияси тизими билан боғлиқ. Гап шундаки, мазкур кўчадаги хонадонларни ёритиб турган электр линиясини ҳам (бетон тўсинларсиз), симёғочларни ҳам аҳолининг ўзи тортиб келтирган. Аммо улар тагида бетон тўсинлари бўлмагани сабаб чириб бормоқда.

Худудда бўлганимизда, бир ҳолат эйтиборимизни тортди. Бир хонадон дар-

**ХАВФЛИ ТОРТИЛИШ...**

«Наврўз» маҳалласи аҳолисини, хусусан, Боғистон кўчасида истиқомат қилувчиларнинг табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммолари ҳам етарли. Чунончи, Боғистон кўчаси бирёқлама уй-жойлардан иборат бўлиб, кўчанинг иккинчи тарафи юқори кучли электр линиялари ўтган экинзорлардан иборат. Табиий газ қувурлари туманга газ идораси томонидан тортилмаган. 20 йилча муқаддам аҳоли ўртада пул йиғиб, турли диаметрдаги қувурларни бир-бирига улаб, хонадонларга газ тортиб кирган. Ҳатто кўча бошига ўрнатилган газ тақсимлагич мосламасининг бошланғич ўрни 20 диаметри ингичка, газ ўтказувчанлик коэффициенти паст бўлган эски қувурлардан иборат. Натижанда хонадонларга табиий газ меъёрида етиб келмайди.

Айниқса, қиш ойларида куйида яшовчи оилалар қийналади, қаҳратонда табиий газ буткул ўчиб қолган кунлар кўп учраган. Ваҳоланки, 25-30 метр нарида яшовчи кўчаларга стандарт 76лик металл



Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

# ВИРУСНИНГ ЖАҲЛИНИ КИМ ЧИҚАРМОҚДА?

**Рус психологи, психосоматиги Валерий Синельниковнинг бундан 22 йил аввал ёзган «Дардингни сев» асарининг шу кеча-кундузга мос келиши ҳайратланарли. Тушунарли бўлиши учун асарининг «Юқумли касалликлар» бўлимидаги бир маълумотни айнан келтирамиз:**

«Мана бундай ҳолат тез-тез такрорланишини эсланг. Ёнингизда кимдир аксирди ёки йўталди, сиз эса касал бўлиб қоламан деб, кўрқиб кетдингиз. Ёки телевизордан қаердандир грип вирусини кутуряпти деб эълон қилишди, сиз эса ташвишга тушиб, олдиндан аптекага югурдингиз. Бундай ҳолларда мен доим ўзимдан сўрайман. Менга касаллик керакми? Менга ҳал қилинмаган муаммолардан кутулиш, воқелиқдан қочиш учун бир ҳафта тўшақда ҳароратим кўтарилиб, томоғим оғриб, тумов бўлиб ётиш керакми? Йўқ, деб жавоб берман ўзимга ўзим. Бу менга керак эмас. Ахир мен ҳаётимдаги ҳар қандай муаммони ҳал қила оламан. Касаллик мени четлаб ўтади. Менинг иммун тизимим аъло даражада ишлайди. Мен соғлом бўлиш, ҳаётдан қувониш, лаззатланишни танлайман. Бу – менинг танловим».

ни ҳозирги пайтда ҳар куни такрорлаб туриш фойдадан холи бўлмайди. Замонамиз одамлари вирусни енгил учун айнан шундай мотивацияга муҳтож. Чунки ҳар ким онг остида дастурлар яратди, ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисалар ана шу дастурларнинг инъикоси, холос.

Фикрларда энергия кучли, у моддийлашмагунча, ўз исботини топмагунча, тиним билмай кезиб юраверади. Бунга яққол мисол: коронавирус ҳали Хитойда пайти «Бизга ҳам кириб келди, яшириляпти» деган ваҳималар уричди. Кейин нима бўлди? Ҳақиқатан ҳам вирус чегаралар оша юртимизга кириб келди. Ахир фикрлар тортиш кучига эга. Бироз ўтиб, навбатдаги ваҳима бошланди: «Беморлар сони камайиб кўрсатилмапти, аслида, бундан анча кўп». Ушбу асоссиз фикр ҳам реаллашди: беморлар антирекорди қайд этилди.

Агар соғлом ҳаётни танласангиз, ҳукумат, вазирилик ва комиссияни «Ундай қилмаяпти, бундай қилмаяпти» деб айблаш ўрнига дўппини бир жойга қўйинг-да, саволни ўзгартиринг: Мен нима қиламан? Мен қандай одамман? Хулқ-атворим қан-

дай таҳрирларга муҳтож? Чунки вирус муҳитга мослашади: тажоввузкор муҳитда тажоввузкорлашади, соф муҳитда яшолмайди. Вабо даражасига кўтарилган дардинг кимдадир оғир, кимдадир енгил, яна кимдадир аломатсиз кечаётгани ва бошқа бировга контактда бўлишига қарамай, юкмаётганининг сабаби шунда.

Дарвоқе, коронавирус инсонлар орасида ёйилганида, «Ҳамма касалланди» деган ҳукм ҳам оммалашди. Аслида, тарихдаги ҳеч бир вабо ҳолатида аҳолининг юз фоизи касалликка чалинмаган. Бундан бир аср аввал «Испан гриппи» тарқатганида, тиббиёт ҳозиргидан анча орқада эди, шунда ҳам ҳамма ёппасига касалланмаган-ку? Норасмий кириб келди. 90 фоиз аҳолиси ковид бўлади», деган маълумотни эшитганимизда, нега 10 фоиз ичига киришдан умид қилмадингиз? Вирусга бағрингизни очган ўзингиз эмасми?

Кимнинг даволаниши қийинлашаётган бўлса, бу тиббиётчиларнинг айби эмас (ёқадими, ёқмайдими, психологик талқин шундай). Чунки шифокор организмнинг сизчалик билмайди. У сиздаги нафрат, алам, ғазаб миқдоридан огоҳ эмас. Бу тажоввузкор туйғуларни йўқотишга ҳам

Мушоҳада

Агар соғлом ҳаётни танласангиз, ҳукумат, вазирилик ва комиссияни «Ундай қилмаяпти, бундай қилмаяпти» деб айблаш ўрнига дўппини бир жойга қўйинг-да, саволни ўзгартиринг: Мен нима қиламан? Мен қандай одамман? Хулқ-атворим қандай таҳрирларга муҳтож? Чунки вирус муҳитга мослашади: тажоввузкор муҳитда тажоввузкорлашади, соф муҳитда яшолмайди. Вабо даражасига кўтарилган дардинг кимдадир оғир, кимдадир енгил, яна кимдадир аломатсиз кечаётгани ва бошқа бировга контактда бўлишига қарамай, юкмаётганининг сабаби шунда.

Дурдона АЛИМОВА

Қашқадарё вилояти

Касаба уюшмалари кўмаги

Нишон туманидаги 35-дават ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ойнаҳол Мардонова туман халқ таълими бўлимининг 23 апрелдаги буйруғига асосан ўз лавозимидан озод қилинди. Ваҳоланки, Мардонова 9 апрель – 1 май кунларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида вақтинча фаолиятда бўлмаган.

## Мардонова нега ишдан бўшатирилган эди?

О.Мардонова Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Нишон тумани кенгашига мурожаат қилиб, меҳнатга лаёқатсизлик даври учун нафақа тўлашида ёрдам сўради. Судга мурожаат қилиб ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний тарзда бекор қилинганини билдирди.

Бу орада тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши туман халқ таълими бўлимига ходимнинг ҳақ-хуқуқлари таъминлашни сўраб, тақдимнома киритди. Туман кенгаши раиси Баҳодир Жовлиев фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди очик мажлисида гувоҳ сифатида иштирок этди.

Суд ишни атрофлича кўриб чиқди ва О.Мардоновага нисбатан чиқарилган «Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида»ги буйруқни файриқонуний деб топди. Шундан сўнг у ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига қайта тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун 7 565 901 сўм иш ҳақи ундирилди. Бундан ташқари, Ойнаҳол Мардонова фойдасига 3 800 000 сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланди. Тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши тақдимномасига асосан, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси учун нафақа тўланди.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

Ўзбекистон дала тиллари университети қошидаги 2-сонли академик лицей томонидан 2013 йил 25 июнь кунини Ахмедова Бернара Хабидуллаевна номига берилган №L087627-рақамли диплом (руйхатга олиш рақами: 1154) йўқолгани маълум қилинади.

Абу Али Ибн Сино номидаги Янгийўл тиббиёт коллежи томонидан 2017 йил Қодиржонова Муноси Алишер қизи номига «Даволаш иши» йўналиши бўйича берилган К№4849689-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан 2020 йилда Қодиржонова Азизбек Алишер ўғли номига «Ошпазлик» йўналиши бўйича берилган К№5752428-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши жамоаси кенгашининг меҳнат-техник инспектори Бекпўлат Ўтепбергеновга падари бузруквори

Алланард Бобонинг

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси масъулиятчи чекланган жамияти шаклидаги «Jizzax Petroleum» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси бош мутахассиси Мирзоқид Мирзаевич ЖИЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардик билдиради.





# ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*Қурилиш соҳасида фидокорона  
меҳнат қилаётган барча  
бунёдкорларни*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

*билан самимий муборакбод этади!  
Янги Ўзбекистоннинг замонавий  
қиёфасини барпо этиш, жонажон  
Ватанимизнинг юксак тараққиётини  
таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва  
фаровон этишда сиз – азизларнинг  
ғайрат-шижоатингизга  
тасаннолар айтамыз!  
Мамлакатимизда бунёдкорлик  
ишлари бардавом бўлсин!  
Қўлингиз дард кўрмасин!  
Меҳнатларингизнинг  
роҳатини кўринг!*



**Касб байрамингиз муборак бўлсин!**

## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси



*Қурилиш соҳасида самарали меҳнат қилаётган барча соҳа  
вакиллари касб байрами билан самимий муборакбод  
этади! Янги Ўзбекистонимиз катта қурилиш майдонига  
айланиб, чин маънода янгича қиёфа касб этмоқда. Бу  
жараёнларда, албатта, моҳир қурувчи ва муҳандислар,  
уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар  
вакиллари, минг-минглаб бунёдкор инсонларнинг  
машаққатли меҳнати чинакам эътирофга сазовордир.*



**Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз бунёдкорлар!**

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва  
«Ishonch-Доверие»  
газеталари  
таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ  
*(таҳрир ҳайъати раиси),*  
Улугбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Ноира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ

*(Бош муҳаррирнинг  
биринчи ўринбосари),*  
Меҳридин ШУКУРОВ  
*(Масъул котиб – «Ishonch»),*  
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти –  
(71) 256-64-69  
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт –  
(71) 256-52-89  
Миллий-маънавий  
қадриятлар ва спорт –  
(71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар  
билан ишлаш –  
(71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна –  
(71) 256-87-73

[www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)  
сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг  
фармон ва қарорлари,  
энг сўнгги янгиликлар,  
таҳлилий, танқидий  
мақолалар, хабарларнинг  
тўлиқ матни  
билан танишингиз  
мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон  
Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда  
манба сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан  
фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
Ж.Наҳанов

Мусаҳҳиҳ:  
Ғ.Мираҳмедов

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалолов

Босишга топшириш вақти – 22:50  
Топширилди – 23:00

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма Ғ – 806.  
27619 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: [ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба  
ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130